

**“O`ZVAGONTA`MIR” АЖ тафтиш комиссиясининг
2022 йилнинг 3 чорак даври ҳисоботи**

Тафтиш комиссияси раиси А.А. Шакиров ҳамда аъзолари Р.Р. Ходжабеков ва З.О. Ишимовлар томонидан 2022 йилнинг 3-чорак даврининг молиявий ҳисоботлари қуйидаги шакллар асосида кўриб чиқилди:

- Бухгалтерия баланси (1-сонли шакл)
- Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот (2-сонли шакл)

“O`ZVAGONTA`MIR” АЖ устав капитали 2 968 227 минг сўмни ташкил этади. Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботи Ўзбекистон Республикасининг миллий ҳисоб стандартлари ва қонун ҳужжатларига мувофиқ олиб борилади.

2022 йил 1 октябр ҳолатига ходимлар сони 754 кишини ташкил этган. 2021 йил шу даврига нисбатан ходимлар сони 12 кишига кўпайган.

2022 йил 1 октябр ҳолатига ўртача ойлик иш ҳақи 3 705 821 сўмни ташкил этган. 2021 йил 1 октябр ҳолатига нисбатан 453 481 сўмга ошган.

2022 йил 3 чорак даври мобайнида “O`ZVAGONTA`MIR” АЖ даромадлари жами бўлиб 46 556 954 минг сўмга тенг. Шундан,

- Асосий фаолиятини даромадлари – 44 493 575 минг сўмни,
- Бошқа даромадлар – 2 062 879 минг сўмни,
- Молиявий фаолиятнинг даромадлари – 500 минг сўмни ташкил этган.

Жамиятнинг 2022 йил 1 октябр ҳолатига жами бўлиб харажатлари 46 361 654 минг сўмни ташкил этган.

Шулардан,

– Сотилган маҳсулотлар (товарлар, ишлар ва хизматлар) таннархи 39 799 705 минг сўмни;

– Давр харажатлар жами бўлиб 6 523 327 минг сўмни ташкил этган.

Шундан:

- маъмурий харажатлар – 3 041 913 минг сўмни;
- бошқа операцион харажатлар – 3 481 414 минг сўмни;
- фойда солиғи - 38 622 минг сўмга тенг.

2022 йил 3 чорак ҳолатига солиқларни тўлагунга қадар фойда 233 922 минг сўмни ташкил этган. Солиқлар тўлангандан кейинги соф фойда эса 195 300 минг сўмни ташкил этади.

2022 йил 1 январ ҳолатига асосий воситаларнинг бошланғич қиймати 17 435 693 минг сўмга тенг бўлган бўлса, эскириш қиймати 9 651 745 минг сўмни, қолтиқ қиймати эса 7 783 948 минг сўмни ташкил этган. Ҳисобот даври охирида яъни 1 октябр ҳолатига эса асосий воситаларнинг бошланғич қиймати 17 448 765 минг сўмни, эскириш қиймати 10 266 920 минг сўмни, қолтиқ қиймати эса 7 181 845 минг сўмни ташкил этган.

2022 йил 1 январ ҳолатига дебитор қарздорлик 9 286 222 минг сўмни ташкил этган бўлса ҳисобот даври охирида 159 155 минг сўмга камайиб 1 октябр ҳолатига

9 127 067 минг сўмни ташкил этди. Муддати ўтган дебитор қарздорлик мавжуд эмас.

2022 йил 1 январ ҳолатига кредитор қарздорлик суммаси 15 776 119 минг сўмни ташкил этган бўлса 2022 йил 1 октябр ҳолатига эса 1 970 948 минг сўмга камайиб 13 805 171 минг сўмни ташкил этган. Муддати ўтган жорий кредитор қарздорлик мавжуд эмас.

Жамиятнинг аффилланган шахслари билан битимлар Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг (кейинги ўринларда-Қонун) 9-бобига мувофиқ тузилиши лозим.

Қонуннинг 87-моддасига мувофиқ, Жамиятнинг аффилланган шахси билан тузиладиган битим тўғрисидаги, тузилиши кутилаётган битим тарафининг ёзма билдиришида кўрсатиладиган ахборот жамиятнинг ижроия органи ва ички аудит хизмати (агар у мавжуд бўлса) томонидан ўрганилади. Ўрганиш натижалари баённомада расмийлаштирилади. Баённомада битимнинг юридик, молиявий, техник ва бошқа муҳим жиҳатлари ҳамда унинг жамият фаолиятига кўрсатиши мумкин бўлган таъсири назарда тутилган бўлиши кераклиги белгиланган.

“Ўзвагонтаъмир” АЖ
тафтиш комиссияси раиси



А.А. Шакиров

Тафтиш комиссияси аъзолари



Р.Р. Ходжабеков



З.О. Ишимов